

## МУШОРАКАНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

**Мирзаев Камолиддин**

*Кўкаaldoш ўрта маҳсус ислом таълим муассасаси мударриси,  
Ўзбекистон Xалқаро Ислом Академияси 2-курс магистри*

**Анотация.** Мақолада бугунги кунда кенг ривожланган, ўзаро келишув асосида даромадни кўзлаган икки ёки ундан кўп кишиларнинг битим тузиши яъни мушораканинг қоидаларини далиллар билан кенг ёритиб берилган. Мақоланинг аҳамиятлилиги шундаки, бугунги замонда катта миқдордаги капитал билан бошланадиган савдо, ширкат, қурилиш ишлари ва шунга ўхшаи корхоналарни бир киши ташкил этиши жуда қийин. Бундай ҳолларда безнис шерикларга катта эҳтиёж тутгилади. Бундай ширкатлар ва безнислар тараққий этган давлатларда кенг тарқалган. Лекин бундай масалаларнинг шаръий жиҳати қандай бўлади. Шариатимизда бундай ўзаро шерикчилик асосида иш олиб боришнинг ҳукми нима деган савволларга мақолада батрафсил жавоб берилган.

**Калид сўзлар:** Мушорака, шартнома, ақд, улуши, даромад, мазҳаб, фиқҳ, завотул мисол, завотул қийма, Имом Абу Ҳанифа, Имом Шофии, Имом Молик,

1. Мушорака ёки ширкат ул-амвол томонларининг ўзаро келишувлари асосида юзага келган муносабатлар ҳисобланади. Шу сабабли битим тузилиши учун зарур барча шарт-шароитлар ушбу инструментларда ҳам мавжуд бўлиши керак. Масалан, томонлар шартнома тузишга қодир бўлишлари ёки шартнома томонларнинг розиликлари асосида ҳеч қандай зўрлов ёки алдовсиз амалга оширилиши лозим. Аммо мушорака шартномасига хос бўлган бошқа муайян шартлар ҳам бор.

2. Кўрилган фойдани шериклар ўртасида тақсимлаш учун улушлар шартнома кучга киришидан аввал келишиб олиниши лозим. Агар улушлар келишилмаган бўлса, бундай шартнома шариатга кўра тўғри бўлмайди.

3. Ҳар бир шерикнинг фойда улуши шериклар томонидан киритилган маблағ миқдорига қараб эмас, балки кўрилган фойда миқдорига мутаносибравища белгиланиши керак. Шерикларнинг биронтаси учун фойдадан яхлит пул миқдорини қатъий қилиб белгилаш ёки киритган сармоясига нисбатан ўзгармас даромадлик ставкасини ўрнатиш лозим эмас.

Мисол учун А ва Б шериклар шерикчилик тижоратини бошлишди. Шартномага биноан А шерик ҳар ой фойдадан ўн минг сўм фойда улушкини олади, фойданинг қолгани Б шерикка қолади. Бундай шерикчилик жоиз эмас. Яна бир мисол, келишувга кўра, А шерик киритган сармоясидан 15% миқдорида фойда улуши олиб туради. Бундай шерикчилик ҳам жоиз эмас. Шерикчиликнинг энг тўғриси – кўрилган фойда шериклар ўртасида аввалдан келишиб олинган улушлар бўйича тақсимланишидир.

Агар шартномада бир шерик учун яхлит пул миқдори кўринишида ёхуд маълум даромадлик ставкаси бўйича фойда белгиланган бўлса, ўша шерик олган пулларга

«қайта ҳисобга тортилиши лозим бўлган тўловлар» сифатида қаралиб, шерикчилик муддати сўнгидан бўладиган якуний ҳисоб-китоб пайти эришилган ҳақиқий фойда улуши билан тақъосланиши ва шунга қараб иш тутилиши ҳақида бир банд шартномага киритилиши лозим. Агар шериклар бирон фойдага эришсалар, яхлит пул миқдори ёки даромадлик ставкаси бўйича фойда олиб турган шерик олган пулларини қайтаришига тўғри келади.

4. Шерикларнинг фойдадаги улушлари улар киритган сармоя мутаносиб бўлиши шартми? Бу борада ислом фақиҳлари турли хил фикр билдирганлар.

Имом Молик ва Имом Шофеъийга кўра, мушорака дуруст бўлиши учун ҳар бир шерик ўзи киритган улуш миқдорича фойда олиши керак. Мисол учун, А томон умумий сармоянинг 40% қисмини тақдим қилди, шу боис у фойданинг 40%ига ҳақлидир. Агар у фойданинг 40%идан кўп ёки кам олса, унда мушорака дуруст бўлмайди. Имом Аҳмадга кўра, фойдадаги улуш шерикларнинг ўзаро розиликлари билан киритилган сармоя нисбатидан фарқли бўлиши мумкин. Мисол учун, умумий сармоянинг 40% қисмига эгалик қилувчи шерик фойданинг 60% ёки 70%ига ҳақли бўлиши мумкин<sup>156</sup>.

Учинчи қараш Имом Абу Ҳанифага тегишли бўлиб, юқоридаги икки фикр ўртасидаги мўътадил йўл ҳисобланади. Унинг наздида, одатий ҳолларда фойданинг улуши киритилган сармоя нисбатидан фарқли бўлиши мумкин. Лекин шериклардан бирининг мушорака шерикчилиги давомида ишламаслиги ва тижоратга аралашмаслиги шартномада қайд этилган бўлса, унинг фойда улуши киритган сармояси нисбатидан кўп бўлиши мумкин эмас<sup>157</sup>.

Агар шерикчилик фаолияти зарар кўрса, ҳар бир шерикнинг кўрилган заардаги улуши у киритган сармоя нисбатига teng бўлишилигида барча фуқаҳолар иттифоқ қилишган. Яъни умумий сармоянинг 40% қисмига эгалик қилувчи шерик заарнинг ҳам 40%ини ўз бўйнига олади, агар бу миқдордан кўп ёки кам бўлса, шартнома бекор бўлади. Бу масалада барча фуқаҳолар иттифоқ қилишган<sup>158</sup>.

Имом Шофеъийга кўра, ҳар бир шерикнинг фойда ва заардаги улуши унинг умумий сармоядаги улушкига teng бўлиши керак, лекин Имом Абу Ҳанифа ва Имом Аҳмад шерикнинг фойдадаги улуши умумий сармоядаги улушкидан фарқ қилиши мумкин, аммо заардаги улуши умумий сармоядаги улуши билан бир хил бўлиши керак дейдилар. Ушбу тамойил қуйидаги машур фиқхий қоидада зикр қилинган:

الربح على ما اصطلحا عليه والوضيعة على قدر المال

Фойда томонларнинг келишувига кўра зарар сармоя нисбатига қараб тақсимланади. Аксар фуқаҳолар фикрича, ҳар бир шерик киритадиган капитал (сармоя) ликвид шаклида, яъни пул кўринишида бўлиши керак, маҳсулот ёхуд хомашё кўринишида эмас. Бошқача қилиб айтганда, шерикчилик ташкилоти ёки

<sup>156</sup> Ибн Кудомах, «Ал-Муғний», бешинчи жилд, 140-бет, Дарул китаб ал-арабий, Бейрут, 1972

<sup>157</sup> Ал-Косоний, «Бадоеъ ус-саноэъ» олтинчи жилд, 162-163-бетлар.

<sup>158</sup> Ибн Кудомах, «Ал-Муғний», бешинчи жилд, 147-бет, Дарул китаб ал-арабий, Бейрут, 1972.

кўшма корхонанинг устав капитали монетар қўринишда шаклланиш керак. Аммо бу хусусда бошқача фикр билдирганлар ҳам бор.

Имом Моликка кўра, капиталнинг ликвидлиги мушораканинг асосий шарти эмас. Шерик ўз улушкини пулдан бошқа актив шаклда киритиши жоиз, бу активнинг қиймати шерикчилик шартномаси имзоланган кундаги бозор баҳоси асосида баҳоланиб, устав капиталга киритилади. Ушбу фикр баъзи ханбалий уламолар томонидан ҳам қабул қилинган<sup>159</sup>.

Иккинчидан, мушорака тижоратида турли сабабларга кўра шериклар ўртасида устав капиталидан ўз улушкини қайтариб олиш ҳолатлари учарб туради. Агар устав капитал маҳсулот қўринишида шаклланган бўлса, шерикларнинг улушларини қайта тақсимлашнинг иложи бўлмайди, чунки маҳсулотлар ўша вақтга келиб сотилиб кетган бўлиши мумкин. Агар шерик ўз улушкини маҳсулот қўринишида эмас, балки пул шаклида маҳсулотнинг ўша вақтдаги нархи бўйича қайтариб оладиган бўлса, у тижоратнинг барча фойдасини олиб кетиши мумкин, чунки киритган машулотнинг нархи ўша пайтга келиб, кўтарилиб кетган бўлиши мумкин. Бу эса тижоратда қолаётган шерикка фойдадан ҳеч нарса қолдирмаслигини билдиради. Аксинча, агар ўша маҳсулотнинг нархи тушиб кетган бўлса, чиқиб кетаётган шерик киритган улушкининг қийматидан камроқ маблағ олишини ва ўртадаги фарқ тижоратда қолаётган шерикнинг ҳақига ўтиб кетишини билдиради.

Имом Шофеъий эса юқоридаги икки фикрнинг ўртачасини олган. Унинг фикрича, маҳсулот ёки хомашё қўринишида киритилувчи сармоялар икки хил бўлади:

а) Завотул амсол (ذوات الأمثال), яъни шундай маҳсулотларки, мабодо нобуд бўладиган бўлса, уларнинг ўрнини сифат ва микдор жиҳатидан бир хил ёки мислий маҳсулотлар билан тўлдириш мумкин. Бундай маҳсулотларга буғдой, гуруч каби маҳсулотлар киради. Масалан, 100кг буғдойга талофот етса, уни бошқа бир хил сифатли 100кг буғдой билан қоплаш мумкин;

б) Завотул қиймат (ذوات القيمة), яъни шундай маҳсулотларки, уларнинг ўрнини бир хил маҳсулотлар билан тўлдириб бўлмайди. Масалан, қорамол шулар жумласидандир.ҳар бир қўйнинг, мисол учун, ўзига ярашабошқа қўйларда топилмайдиган хусусиятлари бор. Шу боис агар бир киши бировнинг қўйини ўлдириб қўйса, шунга ўхшаш қўйни олиб бериш билан заарни қоплай олмайди, аксинча, ундан нобуд бўлган қўйнинг қийматини тўлаш талаб этилади.

Шундан келиб ҳолда Имом Шофеъий завотул амсол маҳсулотларни мушорака тижоратига сармоя қилиб киритса бўлади, аммо завотул қиймат маҳсулотларни мушоракага сармоя сифатида киритиш дуруст эмас дейди<sup>160</sup>.

Завотул амсол ва завотул қиймат ўртасини ажратиш орқали Имом Шофеъий юқорида ИмомАҳмад келтирган иккинчи қарши фикрга қониқарли жавоб берган.

<sup>159</sup> Ибн Кудомах, «Ал-Муғний», бешинчи жилд, 124-бет, Дарул китаб ал-арабий, Бейрут, 1972.

<sup>160</sup> Ибн Кудомах, «Ал-Муғний», бешинчи жилд, 125-бет, Дарул китаб ал-арабий, Бейрут, 1972.

Агар шерикчиликка киритилган маҳсулотлар завотул амсол бўлса, ҳар бир шерикка киритган улушлари эвазига мислий маҳсулотлардан бериб, устав капитални қайта тақсимласа бўлади. Аммо биринчи қарши фикрга Имом Шофеъий жавоб бермаган.

Биринчи фикрдаги масалани ҳал этиш мақсадида Имом Абу Ҳанифа: «Қачонки шерикларнинг киритган маҳсулотлари бир-биринидан ажратиб бўлмас даражада аралаштириб юборилган бўлса, завотул амсолга кирувчи маҳсулотларни устав капиталга улуш ўлароқ киритса бўлади», - деб таъкидлайди<sup>161</sup>.

Қиқача қилиб айтганда, агар тижоратчи мушорака шерикчилигига маҳсулот билан қатнашишни истаса, Имом Моликнинг фикрига суюнган ҳолда бу ишни bemalol амалга ошириши мумкин. Унинг мушоракадаги улуши киритган маҳсулотининг мушорака шартномаси кучга кирган кундаги бозор қиймати асосида шаклланади. Имом Шофеъий наздида, бундай бўлиши учун киритилган маҳсулот завотул амсол туридан бўлиши шарт қилинади.

Имом Абу Ҳанифага кўра, киритилаётган маҳсулот завотул амсол туридан бўлса, шерикларнинг киритган маҳсулотлари ажратиб бўлмас даражада аралаштириб юборилиши лозим. Агар маҳсулотлар завотул қиймат туридан болъса, улардан устав капитални шакллантириб бўлмайди.

Кўриниб турибдики, Имом Моликнинг фикри оддий ва равшан, ҳозирги замон бизнеси учун қулай ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу фикрга амал қиласа бўлади<sup>162</sup>.

Юқоридаги фикрлардан мушорака тижоратининг устав капитални нақд пул кўринишида ҳам, маҳсулот кўринишида ҳам шакллантирса бўлади, деб хулоса қиласа бўлади. Маҳсулот киритаётган шерикнинг улуши уларнинг бозор қиймати бўйича шакллантирилади.

<sup>161</sup> Ал-Косоний, «Бадоев ус-саноэъ», олтинчи жилд, 59-бет.

<sup>162</sup> Ашраф Али Тахонавий, «Имдодул фатово»